

**ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ  
ЖАРОҲАТЛАШ ХАВФЛИЛИГИ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ  
ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЗАМОН ТАЛАБИ**

**Мирзахмедов Жаҳонгир Суратиллаевич**

*Камбағаллик ва Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, Меҳнат хавфсизлиги  
ва гигиена лабораторияси раҳбари*

**Ашуров Олимжон Турсунович**

*Камбағаллик ва Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, Меҳнат хавфсизлиги  
ва гигиена лабораторияси раҳбари ўринбосари*

**Худойшукуров Достон Соҳибназар ўғли**

*Камбағаллик ва Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, Меҳнат хавфсизлиги  
ва гигиена лабораторияси бош илмий ходими*

**Маҳмудов Фаррух Фурқатович**

*Камбағаллик ва Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, Меҳнат хавфсизлиги  
ва гигиена лабораторияси етакчи илмий ходими*

**АННОТАЦИЯ.** *Мазкур мақолада иш ўринларини меҳнат шароитлари ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштиришининг зарурати, мақсадлари ва амалий аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда иш ўринларини аттестациядан ўтказишнинг амалдаги ҳолати, мавжуд муаммолар, хусусан, жараённинг қозғоз шаклида юритилиши, ортиқча вақт ва молиявий харажатлар талаб этилиши, инсон омилининг юқорилиги каби камчиликлар асослаб берилган. Муаллиф томонидан аттестация жараёнини рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш, харажатларни камайтириш, маълумотлар базасини шакллантириш, мониторинг самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш имкониятлари ёритилган. Шу билан бирга, аттестация жараёнини амалга ошириш учун махсус электрон платформа яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари иш ўринларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришида муҳим аҳамият касб этади.*

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** *иш ўринлари аттестацияси, меҳнат шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш, рақамлаштириш, электрон платформа, меҳнат хавфсизлиги, рақамли технологиялар, давлат экспертизаси, меҳнат муҳофазаси, мониторинг, рақамли иқтисодиёт*

### Кириш

Республикамизда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тасдиқланган.

Мазкур стратегиянинг қуйидаги асосий ғоялари ақс эттирилган:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;

аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;

аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;

халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;

мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида ўз долзарблигини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш, шунингдек, Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш таъминланади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу талабларини бажариш қаратилган омиллардан бири иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб- ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ва аттестация натижалари бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш ҳисобланади.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб- ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, ушбу Низом, Хизматчилар ва ишчи касбларнинг асосий лавозимлари классификатори, шунингдек санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари тизими, меҳнатни муҳофаза

қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар, бошқа қонун ҳужжатлари бўлади.

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёни тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамлаштириш тизимига босқичма-босқич ўтиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

### **Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштириш мақсадлари**

Иш ўринларида меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини рақамлаштириш, инсон омили таъсирини камайтириш, шаффофликни таъминлаш, ходимларга имтиёз ва преференцияларни қонуний тартибда берилишини таъминлаш мезонлари.

Аттестация фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига жавоб берадиган соғлиғи ва меҳнатнинг хавфсиз шарт-шaroитларига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида иш ўринларидаги меҳнат шaroитларини баҳолаш ҳамда ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш учун ўтказилади.

Аттестация натижаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

меҳнат шaroитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шaroитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш;

ходимларни иш жойларидаги меҳнат шaroитлари, соғлиққа шикаст етказишнинг мавжуд хавфи, зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ҳамда оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ва бошқа алоҳида меҳнат шaroитларида ишловчи ходимларга берилиши керак бўлган компенсациялардан хабардор қилиш;

иш жойларида меҳнат шaroитларини назорат қилиш;

касбий хавфни баҳолаш;

ходимларни яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

меҳнат шaroитларининг ҳолати тўғрисида статистика ҳисоботини тайёрлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

касб касаллигига шубҳа туғилганда касалликнинг касб билан боғлиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек касб касаллиги ташҳисини аниқлаш;

ходимлар меҳнатининг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ ходимларни санитария-маиший ва тиббий таъминлаш;

ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни чеклашларни асослаш, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчиларга тегишли деб топиш;

шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари ҳисобига корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш;

хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касблари асосий лавозимлари классификаторида ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш;

корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун асос ҳисобланади.

Қуйидаги:

ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган ноқулай, зарарли ва (ёки) хавфли ҳамда бошқа алоҳида меҳнат шароитларига эга бўлган;

уларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган;

имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларида кўрсатилган;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги барча иш ўринлари ва касблар аттестациядан ўтказилиши керак.

**Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб- ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштириш тизимга қўйилган талаблар**

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб- ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштиришда албатта платформа яратилади.(платформа яратилиши мақсадга мувофиқ)

Бизнинг фикримизча Платформа қуйидагича ташкил этилиши керак:

таҳлил ва ҳисоботни сақлаш функцияларига эга бўлган ядро;

фойдаланувчилар учун онлайн платформа;

платформанинг тузилиши куйидаги функционал куйи тизимларни ўз ичига олиши керак:

рўйхатдан ўтиш: телефон рақами ва ФИО орқали;

иш ўринларида аттестация ўтказувчи ташкилот (Лаборатория) хужжатлари (Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишни бошлашга рухсат берилганлик тўғрисида тасдиқнома, техник жиҳатдан малакалигини маъқуллаш гувоҳонаси ва маъқуллаш соҳаси, мутахассислар малака сертификатлари, ўлчов асбоблари тўғрисидаги сертификатлар)ни бириктириш;

аттестация ҳисоботини давлат экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги ариза, тўлов квитанцияси, аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун иш ўринларида аттестация ўтказиладиган корхона раҳбарининг ёзма қарори билан доимий ишловчи аттестация комиссияси ташкил этилганлиги тўғрисидаги буйруқ ҳамда аттестация бўйича ишларни амалга ошириш жадвалини шунингдек корхонанинг жами ходимлар сони ва шундан аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотномасини бириктириш.

Корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати томонидан талаб этиладиган шакллар бўйича аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати тўлдириш, ушбу рўйхат тўлдирилганда корхона тўғрисидаги маълумотлар, иш ўринлари тартиб рақамлари, касб номлари, касб кодлари ва ишловчилар сони ва шундан аёллар сони бошқа тегишли иловаларни автоматик тарзда кўринади.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнида ҳар бир иш ўрни учун 50 вароқ қоғозда расмийлаштирилади, агар ташкилот 100 ва ундан ортиқ иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишда қанча қоғоз ишлатилишини ҳисоблаш унчалик қийин бўлмайди.

Буни рақамларда кўрсак:

Статистика бўйича 2023-2025 йиллар давомида Республикада фаолият юритаётган корхоналар сони - 485 минг тани, уларда мавжуд бўлган иш ўринлари сони - 6 млн.дан ошиқ ташкил этган.

Шундан, 48,7 мингта корхонада, 1,3 млн.иш ўринлари аттестациядан ўтказилган бўлиб, бу жами иш ўринларига нисбатан 21,6 фоизни ташкил этаган.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишни 100 фоиза етказиш учун қанча қоғоз, қанча вақт ва маблағ сарфланади.

Юқоридагиларга асосланиб, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини

рақамлаштиришда аттестация ўтказишни ҳозирда амалга оширилаётган тартибни мулоҳазалар қилсак, бу соҳага сарф қилинадиган харажатларни билиб олиш мураккаблик туғдирмайди.

Келтирилган рақамлардан кўришиб турибдики, иш ўринларида меҳнат шароитлари бўйича аттестация ўтказиш кўлами фаолият юритаётган корхоналарга нисбатан жуда камлиги, аттестация ҳужжатларини сифати талаб даражасида эмаслиги маълум бўлмоқда.

Иш ўринларида меҳнат шароитлари бўйича аттестация ўтказиш ва аттестация ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида мавжуд камчиликларнинг асосий сабаблари ўрганилганда куйидагилар аниқланди:

биринчидан – иш ўринларида меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ишлари бугунги кунга қадар қоғоз шаклида амалга оширилиб келинаётганлиги, ушбу жараён рақамлаштирилиб алоҳида платформа (дастур) ишлаб чиқилмаганлиги;

иккинчидан – аттестация ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёни мураккаблиги ва иш хажмининг кўплиги сабабли вазирликда мавжуд бор-йўғи бир нафар меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертнинг аттестация ҳужжатларини давлат экспертизасидан белгиланган муддатларда, сифатли қилиб ўтказишдаги муаммолар;

учунчидан – аттестация ҳужжатлари икки босқичда, яъни дастлабки баҳолашдан ва давлат экспертизасидан ўтказишда жуда кўп вақт сарфланаётганлиги.

Айтмоқчимизки, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштирилса, корхона ва ташкилот ходимлари ўз маблағларини назорат қилиб, қаерга, қанча сарфланаётганини аниқ аниқ билиб туради.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштиришнинг корхона ва ташкилотларни кундалик фаолиятига тезроқ кириб келишини хоҳласак, рақамлаштириш таъсирида ходимларга мунросиб иш ўринларига бўлган қулайликлар пайдо бўлсин, десак, рақамлаштириш татбиғида, албатта, тизимли ёндашув лозим.

Бунда,:

биринчидан, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишни рақамлаштириш бу муносиб иш ўринлари бўйича “маълумотлар омбори”ни дир, маълумотлар жуда катта ҳажмдан иборат бўлади.

иккинчидан, бизда “улкан маълумотлар” оқимини бошқариш, сақлаш ва қайта ишлаш турли платформаларни кенгайтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

учинчидан, эса иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарни жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш жараёнини рақамлаштиришни таъминлашда амалга ошириш механизмлари ҳамда молиялаштириш манбалари кўрсатилган бўлса-да, мониторинг жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтирилиши муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳамда аттестация хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, яъни алоҳида платформа (дастур) ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

аттестация хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, хулоса бериш вақтини қисқартириш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида биринчи навбатда зарарли ва хавфли меҳнат шaroитларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя қилинади ва давлат экспертизасидан ўтказиш муддатлари қисқартирилиши натижасида аттестация ўтказиш қамрови сезиларли даражада оширилади, бундан ташқари аттестация ва давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида инсон омили таъсири камайтиради ва бунинг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган турли хил манфаатлар тўқнашуви ва коррупцион ҳолатларини олдини олишга эришилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент, 2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси. Ўзбекистон – 2030 стратегияси. – Тошкент, 2023.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўплами. – Тошкент, 2022.
5. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги. Иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. – Тошкент, 2021.
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. Корхоналар ва иш ўринлари статистик маълумотлари. – Тошкент, 2024.